

**“Ijro.gov.uz” ижро тизимида
қонунлар, Ўзбекистон Республикаси
Президентининг фармон, қарор,
фармойиш ва топшириқлари,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
раҳбари ҳамда Вазирлар
Маҳкамасининг топшириқлари
ижроси тўғрисида
МАЪЛУМОТ
(01.01-06.10.2025 й)**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш борасида бир қатор амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат ҳужжатларининг ижроси устидан самарали назорат механизмларини жорий қилиш, ижро натижаси бўйича аниқ ҳисобдорликни таъминлаш, шунингдек, барча бўғиндаги раҳбарлар ва ходимларнинг ижро интизомига қатъий риоя этиш бўйича шахсий масъулияти ва жавобгарлигини янада ошириш мақсадида **жорий йилнинг 9 оyi** давомида қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Жумладан, ҳисобот даврида **edo.ijro.uz** идоралараро ягона электрон тизими порталига жами **107 та** қонунчилик ҳужжатлари келиб тушган бўлиб, улар ўз вақтида рўйхатга оlinиб, масъул ижрочиларга етказилди. Топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши қатъий назоратга olinди.

Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни бажаришда, **“Ijro.gov.uz”** тизимида ишлашда масъул ижрочиларга Адлия идоралари томонидан доимий равишда ҳуқуқий-услубий кўмак амалга оширилиб келинмоқда.

Ҳисобот даврида **edo.ijro.uz** идоралараро ягона электрон тизими порталида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойишлари ва топшириқларида акс этган жами **37 та** ҳужжатда Марказ асосий ижрочи сифатида **249 та** топшириқ белгиланган бўлиб, шундан **208 таси** тўлиқ бажарилган. Ҳозирда **41 та** топшириқ ижроси юзасидан ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, **жорий йилнинг октябрь** ойида **10 та** Президент топшириқлари мавжуд бўлиб, **мазкур** топшириқлар ижросини **2025 йил 22 октябр**га қадар якунлаш белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсат мажлиси баёнларида, Вазирлар Маҳкамаси фармойишларида, Вазирлар Маҳкамаси қарорларида, Бош вазир раҳбарлигидаги баёнларда жами **103 та** топшириқлар берилган бўлиб, ҳозирда мазкур топшириқларнинг **102 таси (99,3%)** бажарилган.

Жорий йилнинг **9 ойи** давомида Идоралараро ягона электрон тизими порталига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясидан **52 та** топшириқлари келиб тушган бўлиб, топшириқларнинг **49 таси (94,2 %)** ўз вақтида бажарилган. Жорий йилнинг **октябрь ойида 3 та** топшириқни бажариш белгиланган.

Бундан ташқари, **2025 йил 6 октябрь ҳолатига** Ислом цивилизацияси марказига йил бошидан жами **936 та топшириқ** хатлари келиб тушган.

Шундан **45 таси** Ўзбекистон Республикаси Президенти администрациясидан, **82 таси** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан ҳамда **809 таси** вазирлик ва идоралардан келиб тушган.

Келиб тушган хатларнинг **890 тасининг (95 %)** ижроси тўлиқ бажарилган. Ҳозирда **29 та** хатда берилган топшириқлар ижроси иш жараёнида.

Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг амалда бажарилишига тўсқинлик қилаётган тизимли муаммо ва камчиликлар **мавжуд эмас.**

Келгусида мазкур жараёнга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини босқичма-босқич жорий қилиш;

ижро интизомига риоя қилиниши устидан тизимли **кунлик назорат** ва мониторингни амалга ошириш;

ижро интизомида камчиликларга йўл қўйган ходимларга интизомий жазо қўллаш бўйича биринчи раҳбарга **таклифлар киритиш**;

ҳар ҳафта жума куни янги ҳафтада ва ҳар **ойнинг 25 санасига** қадар келгуси ойда бажарилиши лозим бўлган топшириқлар тўғрисида биринчи раҳбарни хабардор қилиш;

ижро интизомида юзага келган муаммоларни бартараф этишда ходимларга амалий ёрдам кўрсатиш, ходимлар учун тизимли равишда ўқув семинарлар ҳамда машғулотларни ташкил этиш белгиланган.

Мазкур йўналишда ишлар давом эттирилиб амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот Марказнинг веб-саҳифасига жойлаштириб борилади.